

ТИШ КАРИЕСИНИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШНИ ЦЕРЕБРАЛ ФАЛАЖЛИ БЕМОР БОЛАЛАРДА ОЛИБ БОРИШ

Мирсалихова Ф.Л., Эронов Ё.Қ.

Тошкент давлат стоматология институти, Бухоро давлат тиббиёт институти.

✓ Резюме,

Стоматологик касалликлар бошқа касалликлар орасида энг кўп тарқалган касалликлар қаторига киради ва улар ичиди болалар ёшида церебрал фалажларда кариес ва унинг асоратлари етакчи ўринни эгаллайди. Болаларда церебрал фалажларда 1000 туғилган чақалоқларнинг 3-5 нафар беморнинг ногиронлиги билан белгиланади. Стоматологик текширишлар натижасига кўра церебрал фалажлар билан касалланган болаларда тиш кариеси ва унинг асоратларининг тарқалиши 80 % дан 85 % гача ўзгариб туради. Функционал бузилишларнинг кўпайиши ва комбинацияси билан ажралиб турадиган марказий асаб тизимининг туғма нуқсонлари дарак беради. Биргина максиллофасиал минтақа суякларнинг морфологик тузилишидаги иккиламчи ўзгаришлар эмас балки оғиз бўшлиғи абзолари ва тўқималарига ҳам шикастланиш кузатилади. Бугунги кунда мия фалажи билан касаланган бемор болаларда стоматологик касалликларни олдини олиш ва даволаш муаммоси айниқса долзарбдир. Ушбу патология билан касалланган болаларда махсус даволаш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: кариес, профилактика, болалар церебрал фалажи, даволаш

ПРОФИЛАКТИКА И ЛЕЧЕНИЕ КАРИЕСА У ДЕТЕЙ С ЦЕРЕБРАЛЬНЫМ ПАРАЛИЧОМ

Мирсалихова Ф.Л., Эронов Е.К.

Ташкентский государственный стоматологический институт,
Бухарский государственный медицинский институт.

✓ Резюме,

Зубные заболевания являются одними из наиболее распространенных заболеваний среди других заболеваний, с кариесом и его осложнениями, приводящими к детскому церебральному параличу. Церебральный паралич у детей определяется как инвалидность от 3 до 5 пациентов на 1000 рождений. По данным стоматологических осмотров, распространенность кариеса и осложнений у детей с церебральным параличом варьирует от 80% до 85%. Показательны врожденные дефекты центральной нервной системы, характеризующиеся увеличением и сочетанием функциональных нарушений. Не только челюстно-лицевая область характеризуется вторичными изменениями морфологического строения костей, но и повреждением органов и тканей полости рта. Проблема профилактики и лечения стоматологических заболеваний у детей с церебральным параличом особенно актуальна сегодня. Важно разработать специальные меры лечения для детей с этой патологией.

Ключевые слова: кариес, профилактика, детский церебральный паралич, лечение

PREVENTION AND TREATMENT OF CARIES IN CHILDREN WITH CEREBRAL PALSY

Mirsalikhova F.L., Eronov E.K.

Tashkent State Dental Institute, Bukhara State Medical institute named after Abu Ali Ibn Sina.

✓ Resume,

Dental diseases are one of the most common diseases among other diseases, with caries and its complications leading to cerebral palsy. Cerebral palsy in children is defined as a disability from 3 to 5 patients per 1000 births. According to dental examinations, the spreading of caries and its complications in children with cerebral palsy varies from 80% to 85%. Congenital defects of the central nervous system, characterized by an increase and a combination of functional disorders, are indicative. Not only the maxillofacial region is characterized by secondary changes in the morphological structure of bones, but also damage to organs and tissues of the oral cavity. The problem of prevention and treatment of dental diseases in children with cerebral palsy is especially relevant today. It is important to develop special treatment measures for children with this pathology.

Keywords: caries, prevention, cerebral palsy, treatment

Долзарблиги

Мия фалажи билан касаланган болаларнинг пар-варишланиш ва касалликларини даволаш, олдини олиш, тиббиёт мутахассислари ва ота-оналарнинг фаол ишларига қарамай, афсуски, мия ярим фалажи ташҳиси қўйилган беморлар сони йилдан - йилга кўпайиб бормоқда.

Мия патологияси бўлган болалар орасида илмий текширишлар натижасига кўра кариес касаллигининг

кенг тарқалганлиги кузатилмоқда [1,2,4]. Солянин (2005), мия ярим фалажи ташҳиси қўйилган болаларнинг ўртача ёши 11,5 ёшни ташкил этади [3]. Мия церебрал фалажи билан касалланган болаларда доимий тишловнинг ёши 12 ёшдан бошланади ва бу болаларда оғиз гигиенаси пастлигини аниқланган. Бемор болаларнинг оғиз бўшлиғи касалликларини олдини олиш ва даволаш чораларини кўриш жуда муҳимдир.

Мия ярим палажи билан касалланган болаларда кариес касаллигини асосий касалликларнинг мавжуд-

лиги билан боғлиқ бўлиб, унда одам учун муҳим бўлган функциялар (ҳаракат, психика, нутқ) бузилиши ўрганилган [9, 10]. Болалар оғиз бўшлиғини гигиеник ҳолатининг ёмонлигига сабаб болаларда ўз-ўзини парвариш қилиш қобилияти йўқ. Буларнинг барчаси ота-оналарнинг эътиборининг етишмаслиги билан бирга келади [7]. Бундай болаларда кариес касаллиги тарқалиш даражасининг оғирлигидан дарак беради. Мия церебрал фалажи билан касалланган болалар стоматологик ёрдамга муҳтож ва бу болаларда кариес касаллигининг олдини олиш ва даволаш муаммоси айниқса долзарбдир. Мия церебрал фалажи билан касалланган болаларда даволаш ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш, қўллаш оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолатини яхшилашга қаратилган [7]. Мия фалажи билан касалланган болаларда асаб-мушак патологиясининг хусусиятларини ҳисобга олинган [7]. Имконияти чекланган болалар билан иложи борича фаол иш олиб бориш ва болаларни оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини қилиш бўйича ота-оналар ва турли профиллар мутахассислари билан ташхислаш ва даолаш махсус қоидалар асосида олиб борилади [6]. Стоматологик касалликларининг олдини олиш ва болаларни стоматологиясида клиник текширишлар юқори сифатли ва самарали бўлиши керак [8].

Мия фалажи билан оғриган беморларда мавжуд соматик патология туфайли маълум бир стоматологик касалликларни анъанавий даволаш режимидан фойдаланиш қийин, бу эса ушбу муаммони ҳал қилиш учун янги ёндашувлар излаш зарурлигини тақозо этади [5,6].

Мия фалажи билан касалланган бемор болаларда кариес касалликларини комплекс профилактикаси ва даволашда биз тақлиф қилган чайнаш фитокомплексларини танлаш учун асос қуйидагилар эди: токсикликнинг йўқлиги; фойдаланиш қулайлиги; узоқ муддатли ҳаракатлар; маҳаллий иммунитетни ва периодонтал микроциркуляцияни яхшилаш учун макро- ва микроэлементлар ва ҳаётийлиги, биологик фаол моддалар билан табиий таркибий қисм; гемостатик, жароҳатларни даволаш, яллиғланишга қарши антиоксидант, тозаловчи, сўрувчи ва тинчлантирувчи хусусиятларга эга аниқланган [10].

Олинган статистик маълумотлар ва тишларнинг ҳолати, мия фалажи билан касаланган болаларни лаборатория текшируви ушбу гуруҳ болалар учун даволаш ва профилактик воситаларни ишлаб чиқиш самарадорлигини оширди.

Ҳимояланадиган асосий қоидалар: [10]

1. Мия ярим фалажи билан касаланган бемор болаларда тиш ҳолатининг бузилиши марказий асаб тизимининг патологияси билан боғлиқ ва оғиз гигиенаси ёмонлиги, қуруқ нафас, қуруқ лаблар ва оғиз шиллиқ қавати, милкининг қичиши, ачиши ва қон кетиши, тиш касалликларининг юқори даражада тарқалиши ва оғиз бўшлиғининг бошқа касалликлари.

2. Тиш жағ тизимида ва умуман танадаги патологик жараёнлар туфайли мия ярим фалажи бўлган болаларда сўлак таркибида магний, фосфор, фаол маҳсулотлар миқдори ошиб, калций ва оқсил пасайганлиги, гипо-саливация, сўлакнинг қовушқоқлиги ва рНнинг кислота муҳитига ўтиш даражаси ошиши қайд этилди.

3. Мия ярим фалаж касаллиги бўлган болаларда кариес касалликларини ҳар томонлама олдини олиш

ва даволашда, ривожланган ва патогенетик жиҳатдан асосли чайнаш фитокомплексини ишлатиш лозим.

Оғиз бўшлиғида кариесоген вазиятни ривожланишини кучайтирувчи маҳаллий омиллар орасида асосийси бўлиб, оғиз бўшлиғини қониқарсиз гигиенаси, сўлак таркиби ва сифатининг бузилиши деб ҳисобланади. Россияда олиб борилган тадқиқотларда, 12 ёшли ўқувчиларнинг сўровнома ва оғиз бўшлиғи кўригининг натижалари келтирилган (Казарина Л.Н., Пурсинова А.Е., 2015). Кариеснинг тарқалганлик ва жадаллигининг юқори кўрсаткичлари оғиз бўшлиғи гигиенасининг қониқарсиз даражаси, рН кўрсаткичининг пасайиши билан боғлиқлиги аниқланган, бу эса ўз навбатда стоматологик тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради. Америкалик олимлар томонидан тишлар эмал қавати деминерализацияси даражасини флуоресценция (QLF) ёрдамида ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган. Мавжуд бўлган адабиётларда болаларда кариес профилактикаси учун турли гигиеник воситалардан қўлланилади.

Тайландлик муаллифлар тадқиқотларида болалар эмалидаги кариес жараёнини реминерализациялаш мақсадида, тишларни мунтазам равишда кундалик тозалашда тиш пастасини клиник тадқиқот натижалари келтирилган. Фторланган CPP-ACP тиш пастаси билан мактабда тушликдан сўнг ўқитувчи назорати остида тишларни ювиш тавсия қилинган. Эмалнинг псевдоинтакт қаватини сақлаб қолиш мақсадида кариес жараёнини бир ташрифда "консервациялаш" имкониятини берадиган, инфильтрациялаш усули россиялик олимлар гуруҳи томонидан тақлиф қилинган. Франциялик олимлар самарали тикланиш ва профилактик даволашни таъминлаш хусусиятига эга бўлган тишлар кариесини минимал-чархлаш усули билан даволашнинг 20 йиллик тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар [Holmgren C.J., Roux D., Dom?jean S.2013].

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Айзатулина, Д.В. Процессы свободнорадикального окисления при нестабильности генома у больных церебральным параличом с перивентрикулярной лейкомаляцией : /автореф. дис.... канд. мед. наук: 14.00.13 / Айзатулина Дина Вадимовна. - М., 2009; 21. [Ayzatulina, D.V. Protsepsi svobodnoradikal'nogo oksileniya pri nestabilnosti genoma u bolnix serebralnim paralichom s periventrikulyarnoy leykomalyasiey : /avtofef. dis.... kand. med. nauk: 14.00.13 / Ayzatulina Dina Vadimovna. - M., 2009; 21. (In Russ)].
2. Анисимова, Е.Н. Особенности стоматологического лечения пациентов с проблемами в сфере психического здоровья / Е.Н. Анисимова, Е.А. Ерилин // Эндодонтия Today. - 2014; 4: 3-6. [Anisimova, E.N. Osobennosti stomatologicheskogo lecheniya patsientov s problemami v sfere psixicheskogo zdorovya / E.N. Anisimova, E.A. Erilin // Endodontiya Today. - 2014; 4: 3-6. (In Russ)].
3. Афанасьева, Л.Р. Функциональные свойства и состав ротовой жидкости у детей с нарушением развития интеллекта / Л. Р. Афанасьева // Современная стоматология. 2000; 3: 24-26. [Afanaseva, L.R. Funktsionalnie svoystva i sostav rotovoy jidkosti u detey s narusheniem razvitiya intellekta / L. R. Afanaseva // Sovremennaya stomatologiya. 2000; 3: 24-26. (In Russ)].
4. Аюпова, Ф.С. Вторичная адентия временных зубов у детей, обратившихся за ортодонтической помощью / Ф.С. Аюпова / Казанский медицинский журнал. 2014; 95(1): 19-22. [Ayupova, F.S. Vtorichnaya adentiya vremennix zubov u detey, obrativshixsya za ortodonticheskoy pomoshyu / F.S. Ayupova // Kazanskiy meditsinskiy jurnal. 2014; 95(1): 19-22. (In Russ)].
5. Бабаян, В.В. Рожаемость и заболеваемость детей с хромосомной патологией / В.В. Бабаян, Е.М. Корнюшо // Медицинский альманах. - 2012; 2: 179-182. [Babayan, V.V. Rojdaemost i zaboлеваemost detey s xromosomnoy patologiyey / V.V. Babayan,

- Е.М. Kornyucho // Meditsinskiy almanax. - 2012; 2: 179-182. (In Russ)].
6. Бабин, С.М. Комплаенс-терапия (краткосрочная когнитивно-поведенческая методика) и соблюдение режима лечения у больных шизофренией / С.М. Бабин, А.В. Васильева, А.М. Шлафер // Психиатрия и психофармакотерапия. 2012; 14(1): 9-16. [Babin, S.M. Komplaens-terapiya (kratkosrochnaya kognitivno-povedencheskaya metodika) i soblyudeniye rezhima lecheniya u bolnix shixofreniey / S.M. Babin, A.V. Vasileva, A.M. Shlafer // Psixiatriya i psixofarmakoterapiya. 2012; 14(1): 9-16. (In Russ)].
7. Бабушкина, Н.С. Биохимические показатели слюны и эффективность профилактики кариеса у детей / Н.С. Бабушкина / Таврический медико-биологический вестник. 2009; 3(47): 7-9. [Babushkina, N.S. Bioximicheskie pokazateli slyuni i effektivnost profilaktiki kariesa u detey / N.S. Babushkina // Tavricheskiy mediko-biologicheskiy vestnik. 2009; 3(47): 7-9. (In Russ)].
8. Бадалян, Л.О. Детская неврология / Л.О. Бадалян. М.: Медицина, 1998; 349. [Badalyan, L.O. Detskaya nevrologiya / L.O. Badalyan. M.: Meditsina, 1998; 349. (In Russ)].
9. Бакарчич, Д. Анализ параметров состояния полости рта у детей-инвалидов / Д. Бакарчич, А. Легович, Т. Скринъярик, Б. Мадии, А. Сассо, И. Ванкура // Стоматология. 2006; 3: 57-60. [Bakarchich, D. Analiz parametrov sostoyaniya polosti rta u detey-invalidov / D. Bakarchich, A. Legovich, T. Skrin'yarik, B. Madii, A. Sasso, I. Vankura // Stomatologiya. 2006; 3: 57-60. (In Russ)].
10. Беликова, А. А. Особенности ведения стоматологических пациентов со стойкими нарушениями центральной нервной системы / А.А. Беликова, Т.А. Микляева, А.Р. Шамшадинова // Бюллетень медицинских интернет-конференций. 2015; 5(10): 1242-1243. [Belikova, A. A. Osobennosti vedeniya stomatologicheskix patsientov so stoykimi narusheniyami sentralnoy nervnoy sistemi / A.A. Belikova, T.A. Miklyaeva, A.R. Shamshadinova // Byulleten meditsinskix internet-konferensiy. 2015; 5(10): 1242-1243. (In Russ)].

Келиб тушган вақти: 09.06. 2019